

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг
2023 йил 24 июндаги 19/3-сонли
қарорига илова
№1040

**Жисмоний шахсларнинг муддати ўтган қарздорликларини
ундиришда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя
қилишни таъминлашга доир тавсиялар**

Мазкур Тавсиялар жисмоний шахсларнинг ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, жисмоний шахсларнинг кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларини қайтариш юзасидан кредит ташкилотлари билан жисмоний шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур хужжатда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
кредит ташкилоти – банклар ва микромолия ташкилотлари;
қарздор – кредит ташкилоти олдида муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган жисмоний шахслар;
кредит – кредит ташкилоти томонидан берилаётган кредит ва микроқарзлар;
қарздорлик – қарздорнинг кредит ташкилоти олдида у билан тузилган кредит (микроқарз) шартномалар асосида вужудга келган муддати ўтган пул мажбуриятлари.
2. Кредит ташкилотлари ва қарздорлар ўртасидаги муносабатлар қонунларга амал қилиш, ишончлилик, ошкоралик, ўзаро ҳурмат, тўғри ва ишончли ахборотни тақдим этиш тамойилларига асосланади.

2-боб. Кредит ташкилотлари томонидан қарздорликни ундириш бўйича қарздорлар билан ўзаро муносабатларга киришиш қоидалари

3. Қарздорликларни қайтаришга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишда кредит ташкилоти (шу жумладан, талаб қилиш ҳуқуқи ўтган кредит ташкилоти) қуйида келтирилган кўринишларда қарздор билан ўзаро муносабатга киришиши мумкин:

шахсий учрашувлар, телефон орқали сўзлашувлар (бевосита ўзаро муносабатлар);

электрон алоқа тармоқлари орқали юбориладиган матнли, овозли ва бошқа хабарлар юбориш;

қарздорнинг яшаш ёки рўйхатда турган манзилига почта жўнатмалари йўллаш.

Кредит ташкилотининг қарздор билан ўзаро муносабатларининг қўшимча усуллари қарздор ва кредит ташкилоти ўртасида мазкур Тавсиялар талабларини инобатга олган ҳолда тузиладиган ёзма келишуvida назарда тутилиши мумкин.

4. Қарздор хоҳлаган вақтда кредит ташкилотини хабардор қилган ҳолда ўзаро муносабатларнинг қўшимча усулларидан воз кечиши мумкин. Бунда, қарздор томонидан хабарнома кредит ташкилотига почтадан буюртма хат йўллаш орқали ёки бевосита кредит ташкилотининг ходимига хабарномани олганлиги тўғрисидаги тилхат асосида тақдим қилинади. Кредит ташкилоти бундай хабарномани олган санадан бошлаб қарздор билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда қўшимча ўзаро муносабатларни қўллаш хукуқига эга эмас.

5. Кредит ташкилоти ташаббусига кўра, учинчи шахслар (қарздорнинг оила аъзолари, қариндошлари, мижоз билан бирга яшайдиган бошқа шахслар, мижознинг қўшнилари, танишлари, мижоз билан бирга ишлайдиган ва бошқа жисмоний шахслар) билан муддати ўтган қарздорликларни ундириш бўйича ўзаро муносабатларга қуйида келтирилган розиликлар мавжуд бўлган тақдирдагина киришиши мумкин:

қарздор томонидан кредит ташкилоти учинчи шахслар билан ўзаро муносабатларга киришишга берилган розилиги;

учинчи шахс томонидан кредит ташкилоти билан қарздорнинг қарздорлиги бўйича ўзаро муносабатларни амалга оширишга берилган розилиги.

Мазкур розиликлар, шунингдек қарздор ва (ёки) учинчи шахсларнинг шахсга доир маълумотларига ишлов бериш тўғрисидаги розиликлари кредит ташкилотига ёзма равишда алоҳида хужжат сифатида тақдим этилиши лозим.

6. Қарздор хоҳлаган вақтда кредит ташкилотини хабардор қилган ҳолда учинчи шахс билан муддати ўтган қарздорликларни ундириш бўйича ўзаро муносабатларни амалга ошириш юзасидан берган розилигини чақириб олиши мумкин.

Бунда, қарздор томонидан хабарнома кредит ташкилотига почтадан буюртма хат йўллаш орқали ёки бевосита кредит ташкилотининг ходимига хабарномани олганлиги тўғрисидаги тилхат асосида тақдим қилинади. Кредит ташкилоти бундай хабарномани олган санадан бошлаб учинчи шахслар билан ўзаро муносабатга киришиш хукуқига эга эмас.

7. Учинчи шахс хоҳлаган вақтда ўзи билан ўзаро муносабатларни амалга ошириш юзасидан берган розилигини кредит ташкилотини исталган ёзма шаклдаги хат орқали хабардор қилган ҳолда чақириб олиши мумкин.

8. Кредит ташкилотлари, қарздор билан шахсий учрашув ва/ёки телефон алоқаси бўйича сўзлашув асосида ўзаро муносабатларга

киришишга, шахсга нисбатан содир этилган жиноятлар бўйича олиб ташланмаган ёки тутатилмаган судланганлик ҳолати мавжуд бўлган ходимларини жалб қилиши мумкин эмас.

9. Кредит ташкилоти томонидан қарздор билан ўзаро муносабатга киришиш учун Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқаридағи (норезедент) шахсларни жалб этилишига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқаридан телефон алоқаси орқали боғланишишга, электрон алоқа тармоқлари бўйича матнли, овозли ҳамда бошқа хабарларнинг юборилишига йўл қўйилмайди.

10. Кредит ташкилотларига қарздорликни қайтариш бўйича ўзаро муносабатга киришишда қуийдагилар тақиқланади:

қарздорга ва учинчи шахсларга жисмоний куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилиш, жонига қасд қилиш ёки соғлигига зарар етказиш билан таҳдид қилиш;

мол-мулкини йўқ қилиш ёки зарар етказишга ёки шу турдаги йўқ қилиш ёхуд зарар етказиш билан таҳдид қилиш;

инсонлар ҳаёти ва соғлигига хавфли бўлган усулларни қўллаш;

қарздор ва учинчи шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи гапларни ишлатиш ва бошқа ҳаракатларни содир этиш орқали қарздор ва бошқа шахсларга руҳий босим ўтказиш;

қарздорга ва учинчи шахсларга исталган бошқа ноқонуний зарар етказиш ёки хуқуқларини сунистельмол қилиш.

11. Агар қонун ҳужжаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, кредит ташкилоти қарздорнинг розилигисиз қарздор ҳақида, муддати ўтган қарзи ва уни ундириш тўғрисидаги, шунингдек бошқа ҳар қандай шахсий маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этишга (хабардор қилишга) ёки очиқ маълумот сифатида жойлаштиришга ҳақли эмас.

Қарздор ўзининг қарздорлиги тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилишга берган розилигини исталган вақтда кредит ташкилотини хабардор қилган ҳолда, бекор қилиши мумкин. Бунда, қарздор томонидан хабарнома кредит ташкилотига почтадан буюртма хат йўллаш орқали ёки бевосита кредит ташкилотининг ходимига хабарномани олганлиги тўғрисидаги тилхат асосида тақдим қилинади.

Кредит ташкилоти бундай хабарномани олган санадан бошлаб қарздор ҳақида, муддати ўтган қарз ва уни ундириш тўғрисидаги маълумотларни ҳамда қарздорнинг бошқа шахсий маълумотларини учинчи шахсларга тақдим этишга (хабардор қилишга) ҳақли эмас, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

12. Шартнома тузиш тўғрисидаги музокаралар жараёнида қарздорнинг қарзлари тўғрисидаги маълумотларни олган шахслар кейинчалик тегишли жисмоний шахсларнинг қарздорликларини

қайтаришга қаратилган ҳаракатларни амалга оширган тақдирда ҳам ушбу маълумотларнинг махфийлигини сақлашлари шарт.

13. Қарздорнинг розилигидан қатыи назар, қарздор, муддати ўтган қарз ва унинг ундирилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳамда қарздорнинг бошқа шахсий маълумотларини чекланмаган миқдордаги шахсларга ошкор қилиш, шу жумладан бундай маълумотларни интернет тармоғида ёки турагжой бинолари, уй-жой, бошқа ҳар қандай бино, курилма, иншоатларда жойлаштириш тақиқланади.

14. Қўйидаги ҳолларда кредит ташкилотнинг ташаббусига кўра мазкур Тавсияларнинг З-бандига мувофиқ қарздор билан ўзаро муносабатда бўлишга йўл қўйилмайди:

а) қарздор банкрот деб эълон қилинганда ёки унинг қарздорлиги реструктуризация қилиниши натижасида муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаганда;

б) қарздор томонидан қўйидагиларни тасдиқловчи тегишли хужжатлар тақдим этилганида:

муомала лаёқатидан маҳрум бўлган, муомала лаёқати чекланган, шу жумладан Фуқаролик кодексининг 31-моддасида назарда тутилган асослар бўйича;

стационар тиббий муассасада даволанаётганлиги тўғрисида.

15. Кредит ташкилотининг ташаббусига кўра, қўйидаги ҳолларда қарздор билан бевосита ўзаро муносабатларга киришишга йўл қўйилмайди:

а) соат 20:00 дан 8:00 гача бўлган вақтда;

б) ҳафтада бир мартадан ортиқ шахсий учрашувлар;

в) телефон алоқа орқали:

кунига бир мартадан ортиқ;

ҳафтасига икки мартадан ортиқ;

ойига саккиз мартадан ортиқ.

16. Кредит ташкилоти ходими қарздор билан ҳар сафар шахсий учрашув асосида ўзаро муносабатларга киришишда қарздорга кредит ташкилотининг номи ҳамда ташкилот номидан учрашаётганлигини билдирган ҳолда ўзининг исми, фамилияси ва шарифи тўғрисида маълумот бериши лозим.

17. Кредит ташкилоти томонидан қарздорга электрон алоқа тармоқлари орқали матнли, овозли ва бошқа хабарларни юбориш қўйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди:

соат 20:00 дан 8:00 гача бўлган вақтда;

кунига икки мартадан ортиқ;

ҳафтасига тўрт мартадан ортиқ;

ойига ўн олти мартадан ортиқ.

18. Қарздорликни қайтариш мақсадида электрон алоқа тармоқлари орқали қарздорга юбориладиган матнли, овозли ва бошқа хабарларда камида қуидаги маълумотлар бўлиши лозим:

кредит ташкилотининг номи;

муддати ўтган қарздорликнинг мавжудлиги, шу жумладан унинг миқдори ва таркиби (асосий қарз, фоиз қарзи ва бошқалар) тўғрисида;

кредит ташкилотининг алоқа телефон рақами.

19. Кредит ташкилоти томонидан муддати ўтган қарздорликни қайтариш мақсадида қарздорга унинг яшаш ёки рўйхатда турган манзили бўйича почта орқали жўнатиладиган барча хабарларда қуидагилар кўрсатилиши шарт:

кредит ташкилоти номи, кредит ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар (жойлашган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ва алоқа телефон рақами);

хабарни имзолаган шахснинг исми, фамилияси ва шарифи ҳамда лавозими;

қарздорга нисбатан талаб қилиш ҳукуқининг юзага келиши учун асос бўлган шартномалар ва бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

қарздорликнинг миқдори ва таркиби, уни тўлаш муддатлари ва тартиби тўғрисидаги маълумотлар (аввалги кредит ташкилотининг талаб қилиш ҳукуқи қисман янги кредит ташкилотига ўтган тақдирда, ўтказилган талаб қилиш ҳукуқининг суммаси ҳам кўрсатиласди);

қарздор ўз мажбуриятларини бажариши лозим бўлган муддат (ўн кундан кам бўлмаслиги лозим);

белгиланган муддатгача қарздор ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатлари;

қарздорликларни тўлаш усуллари ва пул маблағлари ўтказилиши мумкин бўлган банк реквизитлари;

низони судгача ҳал қилиш усуллари.

20. Кредит ташкилотига қарздор билан телефон алоқаси орқали тўғридан-тўғри мулоқот қилиш учун фақат кредит ташкилотига тегишли бўлган корпоратив рақамларидан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда, қарздорга қўнғироқ қилинган ёки хабар юборилган алоқа телефон рақами ёхуд хабар юборилган электрон почта манзили ёки жўнатувчи тўғрисидаги маълумотларни яшириш тақиқланади.

21. Қарздор билан ўзаро муносабатлар давлат тилида ёки шартнома тузилган тилда амалга оширилиши керак.

3-боб. Якуний қоидалар

22. Ушбу Тавсияларда назарда тутилган муддати ўтган қарздорликларни қайтариш билан боғлиқ муносабатларни амалга оширишга доир қоидалар учинчи шахслар билан муносабатларни амалга оширишда ҳам қўлланилади.

23. Қарздорликни қайтаришга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишда кредит ташкилоти инсофли ва оқилона ҳаракат қилиши лозим.